

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил январь ойининг 19-куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг ўз биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, туман судининг судьяси У.Нурматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг катта ёрдамчиси Г.Шарипова, судланувчи С.Маматалиев ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Абдукаримов, жабрланувчи Х.Жонқузиёвнинг иштирокида Маматалиев Содиржон Рахматали ўғлига оид 1-1606-2402/5-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Маматалиев Содиржон Рахматали ўғли – 2002 йил 25 апрелда Поп туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, мавсумий ишчи, Поп тумани, “Ўрта Хонобод” МФЙ, Мустақиллик кўчаси 40-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 28 декабрда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 267-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара нутқларини ва судланувчининг охириги сўзини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Маматалиев Содиржон Рахматали ўғли транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини қуйидаги ҳолатда қасддан содир этган.

Жумладан, у 2023 йил 18 ноябрь куни соат 23.30 лар чамасида Поп тумани, “Ўрта Хонобод” МФЙ, Ўзбекистон кўчаси, 94-уйда яшовчи қариндоши Жонқузиёв Хамиджон Хошимовичнинг яшаш хонадонига бориб, ҳовлида дарвоза йўқлиги ва оқ рангли “Дамас” русумли 50V312NA давлат рақам белгили автомашина турганлигини кўриб, ҳовли ичига ғайриқонуний равишда кириб, “Дамас” русумли автомашина қаровсиз, эшиклари очиқ ҳолатда қолдирилганлигини ва автомашина салониди калити борлигини билиб, ушбу автомашинани эгаси Х.Жонқузиёвдан сўрамасдан, яширин равишда олиб қочиб, тегишли ҳужжатлари бўлмаган ҳолда автомашинани Поп шаҳри ҳудудида бошқариб юрган вақти 2023 йил 19 ноябрь куни соат 12 лар чамасида туман ИИБ ходимлари томонидан ушланган.

У ўзининг ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.



Судланувчи С.Маматалиев судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, жабрланувчи Х.Жонқузиёв амакисининг ўғли бўлиши, 2023 йил 18 ноябрь куни қариндошларининг тўйига бориб, соат 23 ларда амакисини ўғли Хамиджон аканинг уйига борганлиги, ҳовлида “Дамас” русумли автомашина турганини кўриб, автомашина эшигини очган вақти калити ўзида эканлиги, Поп шаҳрида яшовчи Элбек исмли бола билан яхши кўрган қизи масаласида кўришиб гаплашиб олиши зарур бўлганлиги, Зиёваддин исмли таниши унга телефонда Поп тумани “Хўжаобод” маҳалласига келишини, ўзи Элбекни топиб беришини айтгани сабабли соат 23:30 ларда Хамиджон аканинг автомашинасини олиб, Элбек исмли бола билан кўришиб гаплашиб олиш учун Поп тумани “Хўжаобод” МФЙга қараб йўлга чиққанлиги, катта йўл билан “Исковут” маҳалласи орқали “ШРЗ”га келганлиги, кўп қаватли уйлар ичидаги кўчага кириб, автомашинани ўчириб, автомашина ичида ухлаганлиги, эрталаб соат 07 ларда Зиёваддинга телефон қилиб, манзилни аниқлаб, “Хўжаобод” маҳалласидаги дўкон олдида борганлиги, улар билан кўришиб, Элбек билан гаплашганлиги, кейин Элбек ва Зиёваддин уларни “Исковут” маҳалласига ташлаб қўйишини сўраганлиги, Зиёваддин автомашинани бошқаришни сўрагани сабабли автомашинани унга берганлиги, “Исковут” МФЙга қараб кетаётган вақтларида йўлда “Кобалт” русумли автомашинада ИИБ ходимлари келиб, уларнинг йўлини тўсиб тўхтатишганлиги, ИИБ ходимларига автомашина амакисининг ўғлига тегишли эканини айтганлиги, автомашинани сўрамасдан олиб кетгани ҳақида Зиёваддин ва Элбекга айтмаганлиги, уларнинг бундан хабари бўлмаганлиги, уларга “автомашина отамники, ҳайдашни ўрганяпман” деб айтганлиги, Элбек билан гаплашиб бўлганидан кейин автомашинани яна қайтариб Х.Жонқузиёвнинг яшаш хонадонига олиб бормоқчи бўлганлиги, автомашинани сўрамасдан олиб чиқиб кетганига иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, автомашинани ўғирлаш ёки сотиш нияти бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи С.Маматалиевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Жумладан, жабрланувчи У.Жонқузиёв суд терговида судланувчи С.Маматалиев амакисининг ўғли эканлиги, 2023 йил 18 ноябрь куни ишдан чиқиб, соат 17 ларда ўзига тегишли “Дамас” русумли, 50V312NA давлат рақам белгили автомашинага газ тўлдириб, яшаш ҳовлисида қўйганлиги, ҳовлининг кириш қисми очиқ бўлиб дарвоза ўрнатилмаганлиги, кейин ўртоқлари Ҳалимжон ва Хабибуллолар билан синфдоши ўртоғининг тўйига бориб, соат 21:30 ларда уйга қайтиб келганлиги, шу вақти “Дамас” русумли автомашинаси ҳовлида турганлиги, турмуш ўртоғи Бегматова Махбуба Поп шаҳридаги



шифохонага даволаниш учун ётганлиги, уйда бироз телевизор томоша қилганлиги, соат 22:40 ларда тинмасдан ит хургани учун ҳовлига чиқиб айланган вақти ҳам автомашина ҳовлида турганлиги, эрталаб соат 04:30 ларда уйқудан уйғониб ҳовлига чиққан вақти автомашина йўқлигини кўрганлиги, кейин ҳовлининг уёқ-буёғини ва кўчаларни, қўшнилари уйининг олдини қараганлиги, лекин автомашинани топа олмаганлиги, кейин соат 06 ларда маҳалла профилактика инспекторига телефон қилиб, ҳовлида турган автомашинаси йўқлигини, кимдир олиб қочиб кетганини айтганлиги, турмуш ўртоғи Махбубага ҳам телефон қилиб, автомашинасини ҳовлида турган жойидан кимдир олиб кетганини айтганлиги, орадан ҳеч қанча ўтмасдан профилактика инспектори ва ИИБ ходимлари етиб келиб, у билан автомашина тўғрисида, бирон кишига берган-бермагани, қарзи бор-йўқлиги ҳақида оғзаки савол-жавоб қилишганлиги, кейин тергов ишлари ва ИИБ ходимлари томонидан автомашинани қидирув ишлари бошланганлиги, терговга ўзи ҳам, турмуш ўртоғи М.Бегматова ҳам ҳовлида турган автомашинани ҳеч кимга бериб юбормагани, ким олиб кетганидан хабари бўлмагани ҳақида кўрсатма берганликлари, соат 12:30 ларда ИИБ ходимлари автомашина Поп туман “Исковут” МФЙ ҳудудидан топилгани ҳақида хабар берганликлари, ИИБда “Дамас” русумли автомашинасини узоқроқ қариндоши, яъни амакисининг ўғли Маматалиев Содир олиб қочиб кетганини билганлиги, унга илгари автомашинасини бошқариш учун бермаганлиги, турмуш ўртоғи Махбуба ҳам Содирга автомашинани бошқариш учун бермаганлиги, ҳозирги кунда автомашинасини тўлиқ ва соз ҳолатда қайтариб олганлиги, С.Маматалиевга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Бегматова судда, жабрланувчи Х.Жонқузиёв турмуш ўртоғи, судланувчи С.Маматалиёв эса турмуш ўртоғининг узоқроқ қариндоши эканлиги, турмуш ўртоғининг “Дамас” русумли, 50V312NA давлат рақам белгили автомашинаси борлиги, 2023 йил 15 ноябрь куни Поп шаҳридаги хусусий шифохонага даволаниш учун ётганлиги, 2023 йил 19 ноябрь якшанба куни эрталаб соат 05:45 ларда турмуш ўртоғи телефон қилиб, ҳовлисида турган “Дамас” русумли автомашина йўқлигини, кимдир миниб чиқиб кетганини айтганлиги, шундан сўнг соат 08:00 ларда уйига етиб борганлиги, ИИБ ходимларига ундан автомашинани ҳеч ким сўрамаганини айтганлиги, соат 12:30 ларда ИИБ ходимлари автомашина Поп тумани, “Исковут” МФЙ ҳудудида топилгани ҳақида хабар қилишганлиги, ИИБда “Дамас” русумли автомашинасини турмуш ўртоғининг узоқроқ қариндоши С.Маматалиёв олиб қочиб кетганини билганлиги, унга илгари автомашинани бошқариш учун бермаганлиги, С.Маматалиёвга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Р.Жонқузиёв судда, судланувчи С.Маматалиёв фарзанди, жабрланувчи Х.Жонқузиёв эса амакисининг ўғли эканлиги, 2023 йил 19



ноябрь куни соат 12:30 ларда акаси Жонқузиев Махмуджон унга телефон қилиб, ўғли Содиржон Х.Жонқузиевнинг “Дамас” русумли автомашинасини яшаш хонадонидан олиб чиқиб кетганини, ИИБ ходимлари уни Поп шаҳрида ушлаганини айтганлиги, бундан унинг хабари бўлмаганлиги, ўғли Содиржоннинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси йўқлиги, унга автомашинасини бошқариш учун бермаслиги, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Мирзаев судда, Поп тумани, “Ўрта Хонобод” маҳалласига хизмат кўрсатувчи профилактика катта инспектори лавозимида ишлашлиги, 2023 йил 19 ноябрь куни соат 06 ларда Поп туман ИИБ навбатчилик қисми навбатчилари кўнғироқ қилиб, вилоят ИИБнинг 102 қисқа рақамига “Ўрта Хонобод” маҳалласи, Ўзбекистон кўчаси 94-уйда яшовчи Жонқузиев Хамиджоннинг шу куни кечаси яшаш хонадони ҳовлисида бўлган ўзига тегишли “Дамас” русумли, 50V312NA давлат рақам белгили автомашинасини номаълум шахс ўғирлаб кетгани ҳақидаги хабар келиб тушганини айтганлиги, шундан сўнг ушбу ҳолат бўйича дарҳол фуқаро Х.Жонқузиевнинг яшаш хонадонига бориб, у билан суҳбат ўтказганлиги, у ҳақиқатдан ҳам “Дамас” русумли автомашинасини бир кун аввал кечки пайт яшаш хонадони ҳовлисига эшикларини қулфлаб қўйгани, эрталаб соат 05:00 ларда уйқудан туриб ҳовлида “Дамас” автомашинаси йўқлигини кўргани, ён-атрофни ва кўчаларни қараб кўриб, автомашина топилмагандан сўнг 102 қисқа рақамига кўнғироқ қилиб хабар бергани ҳақида айтганлиги, шундан сўнг туман ИИБ навбатчилик қисмига батафсил ахборот бериб, автомашинани қидириб топиш бўйича ишларни бошлаганлиги, хизматдаги шериги У.Дўлатев билан бирга Поп туман, “Исковут” маҳалласига қидириб борган вақти йўлнинг қарама-қарши томонида фуқаро Х.Жонқузиевга тегишли бўлган “Дамас” автомашинани ёшроқ бола бошқариб кетаётганини кўриб, дарҳол ушбу автомашинани йўл четига тўхтатишганлиги, автомашинани бошқариб юрган бола автомашина эгаси деб бошқа болани кўрсатганлиги, ундан ўзини таништиришни сўраганларида 2002 йилда туғилган, Поп тумани, “Ўрта Хонобод” маҳалласида яшовчи Маматалиев Содиржон деб таништириб, жабрланувчининг қариндоши эканини, ушбу автомашинани бир кун аввал кечаси соат 23:30 ларда қариндоши Х.Жонқузиевни яшаш хонадонидан олиб чиқиб ушбу маҳалла худудига келганини маълум қилганлиги, шундан сўнг ушбу шахсни ва автомашинани туман ИИБга олиб боришганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Поп туман ИИБ Эксперт-криминалистика гуруҳининг 2023 йил 24 ноябрдаги 7061-сонли судга оид дактилоскопия экспертизаси ҳулосасига кўра, воқеа жойини кўздан кечириш вақти автомашинанинг ўнг томон йўловчи эшиги, чап олди эшиги ушлагичи, салондаги орқани кўрсатувчи кўзгудан олинган жами беш дона қўл-бармоқ излари



гумонланувчи Маматалиев Содиржон Рахматали ўғлининг қўлини бош, кўрсаткич, ўрта, номсиз бармоқларидан қолдирилгани аниқланган.

Бундан ташқари судланувчи С.Маматалиевнинг айби ҳодиса жойини кўздан кечириш тўғрисида баённома ва фотосуратлар, жабрланувчи Х.Жонқузиёвнинг автомашинаси йўқолгани ҳақидаги аризаси, олинган тушунтириш хатлари, транспорт воситасининг техник ҳолатини текшириш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома ҳамда фотосуратлар, иш юзасидан сўроқ қилинган бошқа гувоҳларнинг кўрстувлари ва тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланиб, ўз исботини топади.

Суд судланувчининг айб квалификациясини муҳокама қилиб, С.Маматалиев Х.Жонқузиёвнинг “Дамас” русумли 50V312NA давлат рақам белгилли автомашинасини талон-торож қилиш мақсадисиз олиб кетгани сабабли унинг жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, деган хулосага келди.

Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талабларига ва Республика Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Хусусан, Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”;

3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва



босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади”, деб тушунтириш берилган.

Шу Пленум қарорининг 37-бандида берилган тушунтиришга кўра, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 37-сонли қарорининг 6-бандида эса “Жазо чораларини белгилашда судларнинг эътибори бу масалага индивидуал ёндашишга, содир этилган жиноятнинг характери ва жамоат учун хавфли даражасини, айбдорнинг шахсини ҳамда жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиш ҳақидаги қонун талабларига оғишмай риоя этиш зарурлигига қаратилсин”, деб белгиланган.

Суд судланувчи С.Маматалиевга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлиги ва қилмиш ҳаракатидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ва ҳаракатида жазосини оғирлаштирувчи ҳолат йўқлигини эътиборга олиб, унга ЖК 267-моддасининг 1-қисми билан билан шу Кодекснинг 57-моддасини қўллаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни, унинг эҳтиёт чорасини ўзгартириб, дарҳол суд залида қамоққа олишни, гаров эҳтиёт чораси учун вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 7 000 000 сўм пулни гаровга қўювчи Жонқузийев Рахматали Маматалиевичга қайтаришни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Маматалиев Содиржон Рахматали ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.



Маматалиев Содиржон Рахматали ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддасининг 1-қисми билан шу Кодекснинг 57-моддасини қўллаган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин. Жазо муддати 2024 йил 19 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Унинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Гаровга қўйилган 7 000 000 сўм пул гаровга қўювчи Жонқузиёв Рахматали Маматалиевичга қайтарилсин.

Ушбу ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига ўз истаклари бўйича апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

У.Нурматов

